O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
INV.№

# O‘zbekiston adabiyoti va san’ati

ЎЗБЕКИСТОН АДАБИЁТИ ВА САНЪАТИ | Haftalik gazeta • 1956-yil 4-yanvardan chiqa boshlagan • 2001-yil 12 -yanvar • N3 (3593)

## ЙИЛЛАР СИНОВИДАН ЎТАЁТГАН ҲАМКОРЛИК

Ўрта Осиёда яшовчи халқларни бир дарахтнинг шохларига қиёс қилишади. Яратганга шукрки, бу дарахтнинг илдизи тобора ерга сингиб, шохлари кўкка бўй чўзиб бормоқда. Минтақа мамлакатлари ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорлик алоқалари йиллар синовидан ўтиб, янги поғонага кўтарилмоқда.

Янги йилнинг биринчи ҳафтасида Марказий Осиё давлатлари раҳбарлари — Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов, Қозоғистон Республикаси Президенти Нурсултон Назарбоев, Қирғизистон Республикаси Президенти Асқар Акаев ва Тожикистон Республикаси Президенти Имомали Раҳмонов Олмаота шаҳрига йиғилдилар. Бу ерда Марказий Осиё Иқтисодий Ҳамжамиятининг навбатдаги анжумани бўлиб ўтди.

Қозоғистон Президенти саройида давлатлар раҳбарлари тор доирада суҳбатлашдилар. Мулоқот чоғида минтақавий ҳамкорликнинг бугунги аҳволи, истиқболлари кенг таҳлил этилди.

Куннинг иккинчи ярмида Марказий Осиё Иқтисодий Ҳамжамияти кенгашининг кенгайтирилган мажлиси бўлди. Йиғилиш сўнгида давлатлар ўртасидаги иқтисодий ва ижтимоий алоқаларни ривожлантиришга дахлдор бир неча ҳужжатлар имзоланди.

Мажлисда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Марказий Осиё Республикалари Иқтисодий Ҳамжамияти Форумини чақириш тўғрисида таклиф киритди. Ушбу таклиф анжуман қатнашчилари томонидан якдиллик билан маъқулланди.

Йиғилишдан сўнг давлатлар раҳбарларининг оммавий ахборот воситалари ходимлари билан учрашувида Ислом Каримов Форумнинг моҳияти ҳақида гапириб, жумладан, шундай деди:

«Иқтисодий Ҳамжамият ўзаро муносабатларимизнинг маълум босқичида муҳим вазифани бажарди. Лекин очиқ-ойдин тан олиш керак: у бугун замон талабларига жавоб бермай қолди. Худди МДҲда бўлганидек, Ҳамжамиятнинг ҳам қабул қилинган кўплаб ҳужжатлари ишламаяпти.

Бизнинг фикримизча, минтақавий ҳамкорлик фақат иқтисод билан чегараланмаслиги керак. Барчамизга дахлдор талай масалалар борки, уларни фақат биргаликда ҳал этиш мумкин. Ҳамжамиятдан фарқли ўлароқ Форум ҳаракатида жамиятнинг кенг қатламлари — ишлаб чиқарувчилар, олимлар, фан, маданият, санъат арбоблари, тижоратчилар ва бошқа соҳа вакиллари ҳам иштирок этади. Биз Форум ғоясини кўр-кўрона иҳрож этиш тарафдори эмасмиз. Ҳамжамиятга аъзо давлатлар Ташқи ишлар вазирликларига, экспертлар гуруҳига топшириқ берилган: ҳозир улар Форум имкониятларини ўрганишмоқда. Ҳамжамиятнинг апрел-май ойларида Тошкентда ўтадиган йиғилишида бу масалага ойдинлик киритилади».

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, Олмаота йиғилиши Ҳамжамиятга аъзо мамлакатлар ўртасидаги алоқаларни сифат жиҳатидан кенгайтириш йўлида яна бир муҳим қадам бўлди.

*14 январ – Ватан ҳимоячилари куни*

## МУҚАДДАС БУРЧ

Улуғ мутафаккирлардан бири: « Бу дунёда Донишманднинг сўзи ва Ботирнинг шавкати абадийдир», деган экан. Ўзбек халқи ўзининг кўп қадим ва бой тарихи мобайнида дунё илму фанига асос солган алломаларни, шон-шуҳрати жаҳон аҳлини лол қолдирган баҳодирларни берди. Мислсиз жасоратлари неча авлодларга ватанпарварликнинг тенгсиз намунаси бўлиб келаётган Тўмарис, Спитамен, Муқанна, Темурмалик, Жалолиддин Мангуберди, соҳибқирон Амир Темур номлари бугунги мустақил Ватанимиз ҳимоячилари учун мардлик ва қаҳрамонлик тимсолларига айланди. Улар билан биз чексиз фахрланамиз, қалбимизда ҳамиша ғурур ҳиссини туямиз.

Донолармиз ўгитлари, тарих сабоқлари бизга доимо шуни ҳам таъкидлаб турадики, ўз озодлигини, ҳурлигини, давлат сарҳадларининг дахлсизлигини, яхлитлигини таъминлай олган халқ, мамлакатгина гуллаб-яшнайди, ривож топади. Ҳозирги кунда халқимиз Ўзбекистон Қуролли кучларининг тобора мустаҳкамланиб, ҳар қандай хуружларга қақшатқич зарба беришга тайёр эканлигини билади ва барқарор турмушимиз, тинчлигимиз ишончли қўлларда эканидан мамнундир. Армиямизда олиб борилаётган улкан ўзгаришлар, чунончи, ҳарбий билим юртлари тармоғи, ҳарбий Академияни ўз ичига олган кадрлар тайёрлашнинг самарали тизими яратилгани, НАТОнинг «Тинчлик йўлида ҳамкорлик» дастури доирасида турли давлатлар ҳудудида ўтган ҳарбий машқлар, мамлакатимиз ҳудудида изчил ўтказилиб турилган машқлар, ҳарбий хизматчилар, уларнинг оила аъзоларини ижтимоий муҳофазаси таъминлангани — булар барчаси қўшинларимизнинг жанговарлик салоҳиятини оширишга хизмат қилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти, Қуролли Кучлар Бош Қўмондони Ислом Каримовнинг: «Биз ўз армиямизни келгусида фақат профессионал армия сифатида кўрамиз. Ўзини мана шу она заминнинг фарзанди деб ҳисоблаган ҳар бир йигит учун армия, Қуролли Кучлар сафида хизмат вазифасини ўташ фахр-ифтихорга, шарафли бурчга айланиши даркор. Шу эзгу мақсадларимизга эришиш йўлида давлатимиз ва халқимиз ўз куч ва имкониятларини аямайди», деган даъваткор сўзлари Армиямиз куч-қудрати, маҳорати бундан кейин ҳам ошиб бораверишига жуда катта умид уйғотади.

Қуролли Кучларимиз сафида ўзларининг муқаддас бурчларини сидқидилдан бажариб келаётган аскар ва зобитларни Ватан ҳимоячилари куни билан қутлар эканмиз, жанговар хизматларида уларга фақат зафарлар ёр бўлишини тилаймиз.

*Доимий ҳамроҳ*

Инсон икки нарсани – Ватанни ва ота-онани танлаш ҳуқуқига эга эмас. Бир Ватан ва халққа мансублик эса инсонга бир умрлик масъулият юклайди. Бу иккисини ҳар қандай тажовузлардан ҳимоя қилиш, асраш шу Ватан фарзанди, шу халқ вакили бўлган ҳар бир йигит учун муқаддас бурчдир.

Давлатимизнинг жанубий чегараларига суқилиб киришга уринган халқаро жангариларга қарши мардонавор олишувда Маҳмуджон, Алишер, Ғафуржон, Бобуржон, Сайёр, Маъруфжон, Эломон, Абдуҳалим, Юнус, Улуғбек, Дониёр, Қаҳрамон деган гўзал исмли, пок қалбли навқирон йигитларимиз қаҳрамонларча ҳалок бўлдилар.

Улар кимлар, қандай инсонларнинг жигарбандлари, бу фидойи фарзандларни кимлар тарбиялаганлар ва улар қандай жасорат кўрсатдилар?



Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги мухбирлари томонидан ёзилган «Ватан фидойилари» китобчасида жасур йигитларимиз ҳаётига доир мазкур саволларнинг жавобини топасиз.

Бу ботир йигитларнинг қандай яшаганлари ва қандай курашганларини ҳар бир ўзбекистонлик, айниқса, ёшлар билишлари, ёдда тутишлари керак.

«Ватан фидойилари» («Маънавият» нашриёти, 2000 йил) 3000 нусхада босилган. Муҳаррири – Муроджон Мансуров; масъул муҳаррирлари – Султонмурод Олим, Мусулмон Намоз.

Китоб Ўзбекистон Республикаси Фан ва техника давлат қўмитаси ҳомийлигида нашр этилган.

**Янги рукн:**

*АСРГА ТАТИГУЛИК*

**10 ЙИЛ**

***XX асрнинг охирги ўн йили халқимиз тарихида мангуга муҳрланиб қолди: биз мустақил бўлдик! Бу ўнйилликда Ўзбекистонни, ўзбекни дунё таниди. Юртбошимиз Ислом Каримов айтганидек: «Биз тарих берган ноёб имкониятдан фойдаланиб, ўз ҳаётимизни, ўз тақдиримизни қўлга олдик, ўзлигимизни англадик. Ўз кучимиз ва қудратимизга ишониб, халқимизнинг олижаноб фазилатлари, сабр-матонати, фидокорона меҳнати туфайли қисқа даврда — шу асрнинг охирги ўнйиллигида келажагимиз ва бахт-саодатимиз пойдеворини барпо этдик, янги асрга озод халқ, эркин миллат бўлиб, ёруғ юз билан кириб бормоқдамиз».***

***Ҳа, кечган ўн йил ичида асрга татигулик шонли йўлни босиб ўтдик!***

***Янги — «Асрга татигулик 10 йил» рукнимиз остида ижодкорларимизнинг ана шу улуғ йўлнинг самаралари ва янги асрдаги истиқболимиз тўғрисидаги ўй-мулоҳазаларини мунтазам ёритиб бориш ниятидамиз.***

**Муҳаммад АЛИ, Ўзбекистон халқ ёзувчиси**

## ЎЗБЕКИСТОН АСРИ БЎЛАДИ

I

Қутлуғ замонларда яшамоқдамиз. Оллоҳга беадад шукрлар бўлсинки, бир асрдан иккинчи асрга сакраб ўтмоқ, бир мингйилликни иккинчи мингйилликка боғламоқ айни бизларга насиб этди. Йигирма биринчи асрга етишдик. Йигирма бир – сирли, омадли рақам саналади, бу аср, албатта, халқимизга ва юртимизга бахту омад олиб келади.

2001 йил... Бу рақамларни эса, «Биринг икки бўлсин», деб талқин қилишга журъат этаман. Ёдимга қачонлардир битган ушбу шеърий сатрларим тушади; улар она халқимга билдирилган тилакдай туюлади:

**Биринг икки бўлсин, нима ушласанг,**
**Йўлларинг оқ бўлсин тоғлар қорича.**
**Сен ёруғ дунёда тинч юрар бўлсанг,**
**Мен дуо қиларман умрим борича...**

Ҳа, Истиқлол туғини маҳкам кўтарган халқимизнинг бири икки бўладиган замонлар келди, қутлуғ замонлар! Бу аср, шубҳасиз, Ўзбекистон асри бўлади!



XXI аср ўзбек жамияти олдида, фикри ожизимча, катта вазифалар туради. Фан ва техникани такомиллаштириш, саноат ва қишлоқ хўжалигини ривожлантириш, иқтисодни юксак даражаларга олиб чиқиш, бир сўз билан айтганда, халқнинг турмуш шароитини яхшилаш асосий омилга айланади. Экология муаммолари бошни қотирар даражага етади. Орол муаммоси ўз ечимини кутади. Орол муаммосига жаҳон ҳамжамияти диққатини жалб этишда, Орол учун куйиб-ёнишда асосий ҳаракатлантирувчи куч Ўзбекистон давлати бўлиб қолаверади. Чунки Орол денгизи бизнинг ягона денгизимиз, у ўзбек денгизидир.

Қонун устиворлигини қарор топтириш олдимизда турган жиддий қадамлардандир. Президентимизнинг «Қонун олдида барча баробар» деган қутлуғ сўзлари бу борада дастуриламал бўлиб хизмат қилади. Қаердаки қонун ҳукмрон экан, ўша ерда жамият равнаққа эришади. Халқ турмуши фаровонликда юқори даражага етади. Ана шунда адолат тантана қуради, куч ҳам, қудрат ҳам, худди Амир Темур Кўрагон айтганларидек, ўша адолатда мужассам бўлади.

II

Маънавият ҳақида кўп гапирилмоқда, бу жуда мақбул иш. Шуни қайд этиш лозимки, истиқлолга эришган йилларимизда бу соҳада улкан ишлар амалга оширилди, уларни кўриб ҳайратдан ёқа ушлаб қоласан киши. Ҳа, булар чинакам истиқлол соҳиби бўлган озод ва ҳур миллатнинг шарафли одимларидир. Бизлар бемисл бой маънавиятимизни том маънода ўрганишга эндигина кириша бошладик. Бу Президент Ислом Каримов раҳнамолигида оламга юз очган Буюк Истиқлол туфайли рўй берди. Жаҳоншумул сиймолар, улуғ шаҳарлар саналарига бағишланган тантаналар бунга ёрқин мисолдир.

Илоё, бошинг тўйдан чиқмасин, деб тилак билдиради халқимиз. Бирон йил йўкки, Ватанимизда қутлуғ байрамлар нишонланмаган бўлсин! Мана, бу йил ҳам шундай саналар навбат кутиб турибди. Озодлигимизнинг ўн йиллик байрами, «Авесто»нинг 2700, Термизнинг 2500 йилликлари... Беш юз олтмиш ёшга кираётган Алишер Навоийнинг қутлуғ тўйлари... Шу ўринда Халқаро «Олтин Мерос» хайрия жамғармасининг ушбу саналарга, хусусан, Термиз тўйига тайёрлаган туҳфаси ҳақида бир оғиз айтиб ўтай. «Мерос-фильм» студиямиз Сурхондарё вилояти ҳокимлиги ҳомийлигида 7 қисмли «Ҳаким ат-Термизий» видеофилмини суратга олди. Филм халқимизнинг буюк ўғлонларидан бири, Алишер Навоий «Насоим ул-муҳаббат»да эҳтиром кўргизиб: «Ҳизр била суҳбат тутор эрмиш... Муҳаммад дурри ятимдурки, оламда адили йўқтур...», деб таърифлаган «машойихи кибор» Муҳаммад ибн Али ал-Ҳаким ат-Термизий ҳаётига бағишланган. Халқимиз ул табаррук зотни «Термиз ота» деб улуғлайди. Насиб этса, филм бу йил томошабинларга тақдим қилинади.

Яқин тўрт-беш йил ичида яна бир неча қутлуғ саналар нишонланажак. Икки йилдан кейин жаҳон фанида бурилиш ясаган, алгебра фанига асос солган буюк бобомиз Муҳаммад ал-Хоразмий таваллуд топганига 1220 йил бўлади. Абу Райҳон Беруний 1030 ёшга тўладилар, Заҳриддин Муҳаммад Бобур 520га... Турон элининг буюк фуқароси шайхурраис Абу Али ибн Сино туғилган куннинг 1025 йиллиги эса икки минг бешинчи йилда нишонланади...

Тағин шеърий сатрлар ёдимга келади:

**Агар тўрт аллома бўлса дунёда,**
**Шуҳрати ҳаволаб юрган самода,**
**Буни айтмасам ҳам, ҳамма биладир,**
**Биттаси, шубҳасиз, бобом бўладир.**
**Агар тўрт шоирга тан берса олам,**
**Шундоқ мартабага эришса калом,**
**Буни айтмасам ҳам, башар биладир,**
**Биттаси, шубҳасиз, бобом бўладир.**
**Жаҳонда от сурди не-не саркарда,**
**Манаман, дегани бўлса агарда,**
**Тўрттанинг ичида, Оллоҳ биладир,**
**Биттаси, шубҳасиз, бобом бўладир!**

III

Ушбу асрда тарихимизга ва буюк шахсларимизга нисбатан қарор топган янгича муносабат мустаҳкамланиб боради, деб умид қиламан. Тарихимизни бус-бутун, яхлит тасаввур қилиш ва ўрганиш долзарб вазифага айланиши аниқ. Тарихимизни ўрганиш деганда, яна таъкидлаб айтамизки, унга маълум қолипга айланиб қолган евроцентризм нуқтаи назардан қарашни тубдан ўзгартиришни кўзда тутамиз. Бунга уч минг-тўрт мингйиллик тарихимизни изчил ва батафсил тадқиқ қилиш орқали эришиш мумкин. Бир пайтлар ўзбек халқининг этногенези ёзилишини орзу қилган эдик. Лекин бу мустамлака шароитида амалга ошиши мушкул эди, албатта. Энди кўпчилик ўқий оладиган қизиқ илмий-оммабоп тарихлар ёзилиши керак. Она халқингнинг буюк тарихини бутун бўй-басти билан тасаввур қилиш кишига бемисл ғурур ва ифтихор туйғусини бахш этади. Тарихимизни бутун босқичлари билан ёритган илмий китобу тадқиқотларни кўпроқ нашр қилиш, нашр қилибгина қолмай, уларни жаҳоннинг нуфузли тилларига таржима этиб дунёга ёйиш лозим. Бу қутлуғ ишда биз ўзгаларга эмас, асосан, ўзимизга суянишимиз, барчасини ўзимиз адо этишимиз зарур. Худога шукур, етук алломаларимиз бор. Абулғози Баҳодирхоннинг қуйидаги сўзлари худди кеча ёзилгандай таассурот қолдиради: «Бу тарихни (ёзишни – М. А.) бир кишига таклиф қилади, деб фикр қилдук. Ҳеч муносиб киши топмадук. Зарур бўлди. Ул сабабдин ўзимиз айтдук. Туркнинг масали турур: «Ўксиз ўз киндигин ўзи кесар, теган...» Таҳсинга сазовор бу сўзларни эслаб туриш фойдадан холи эмас, деган фикрдаман. Агар шу юмушларни амалга оширсак, ҳеч ким бизнинг тарзимизга шубҳа ва ғараз билан қарай олмайдиган бўлади.

IV

Янги асрда халқимизнинг буюк бадиий тарихини яратишга жиддий киришиш шарт, деб ҳисоблайман. Бу адиблар олдида турган улкан вазифадир. Истиқлол яратган катта ижодий имкониятлар бизга бемисл илҳом бағишлайди. Бир ўйлаб кўрайлик. Мустамлака замонида устоз адибларимиз она тарих ҳақида кўнгилдагидек, ёниб-ёниб асарлар ёзишни орзу қилдилар, лекин кўпда бу уларга насиб этмади. Адиблар бошида калтак синди, қаламлари тортиб олинди, ўзлари руҳий азобларга дучор бўлдилар... Мен Абдурауф Фитрат ва Абдулла Қодирий, Чўлпон ва Ойбек, Ғафур Ғулом ва Усмон Носир, Ҳамид Олимжон ва Мақсуд Шайхзода каби адибларимиз юракларида япроқ ёза олмай кетган не-не ёрқин ижодий ниятларни тасаввур қиламан. Агар мўъжиза юз бериб, улар шу кунларда тирик бўлганларида, истиқлолни ўз кўзлари билан кўрганларида нурли қаламларидан нечоғли дурдоналар тўкилар эди экан; бу энди халқимизга, афсуски, армон бўлиб қолади...

Мана шуларни ўйлаганда, бугунги кунимизни ардоқлаш, унинг қадрига етиш, бебаҳо имкониятларидан баҳраманд бўлиш зарурлигини юрак-юракдан ҳис қиласан киши.

Буюк боболаримиз ҳаёти, улуғ шаҳарларимиз тарихи жуда кўп қалам аҳлига дарё-дарё илҳом манбаи бўлиб хизмат қилишга қодирдир. Агар илҳом арғумоғини дадил тарихнинг сеҳрли йўлларига бурсак, халқимиз ҳаётининг нурли ва мураккаб даврларини бадиий тасвир этсак, бунинг билан биз миллатимиз бўй-бастини жаҳонга кўрсатишда, халқимиз кўз ўнгида намоён этишда холис фуқаролик бурчимизни бажарган бўлур эдик. Миллий истиқлол ғояси сизу биздан ҳақли равишда шуни талаб қилмоқда.

## ХУШХАБАР

Ўтган йил охирида ўз ишини якунлаган «ЭКСПО-2000» Умумжаҳон кўргазмасидан республикамизга хушхабар келди. Бундай катта тадбирда бизнинг мамлакатимиз илк бор мустақил давлат ва жаҳон ҳамжамияти аъзоси сифатида қатнашиб, кўргазма ташкилий қўмитаси томонидан махсус сертификат билан тақдирланди. Беш ой давом этган бу кўргазмада 173 мамлакат ва ташкилот қатнашди.

«Инсон — Табиат — Технология» мавзуидаги бу кўргазмага муносиб ҳисса қўшганлиги учун республикамизга Халқаро кўргазмалар бюроси ва Ганновер шаҳрининг обер-бургомистри Херберт Шмалштих томонидан Олмония Федерал Президенти Иоханнес Раунинг миннатдорлик хати йўлланди.

**М. КАРИМОВА**

## ХАЛҚ МЕҲРИНИ ҚОЗОНГАН АДИБ

XX асрнинг сўнгги йилида ўзбек маданияти тараққиётига улкан ҳисса қўшган сиймолар қаторида устоз Ойбек ҳам «Буюк хизматлари учун» ордени билан тақдирланган эди.

10 январ куни Ойбек уй-музейи улуғ адиб ижоди мухлислари билан гавжум бўлди. Ёзувчилар, санъаткорлар, олимлар, олий ўқув юртлари талабалари ва мактаб ўқувчилари бу муборак кошонага ташриф буюриб, адибнинг таваллуд айёмини нишонладилар.

Ойбекнинг бу йилги таваллуд куни мамлакатимиз ҳаётидаги қутлуғ сана — улуғ ўзбек шоири ва мутафаккири Алишер Навоий таваллудининг 560 йиллиги нишонланажак йилга тўғри келди. Ойбек гарчанд ўзбек халқи тарихининг турли даврларини бадиий мужассамлаштирган кўплаб асарлар ёзган бўлсада, у даставвал «Навоий» романининг муаллифи сифатида эл-юртнинг ҳурматига сазовор бўлган. У 1928 йилдан бошлаб бу қутлуғ мавзу билан шуғулланиб, талайгина илмий-танқидий мақолалар, қисса ва достонлар ижод қилди.

Адибнинг уй-музейига йиғилганлар Ойбекнинг маҳобатли ҳайкали пойига гул қўйгач, унинг порлоқ ҳаёти ва ижоди ҳақидаги қалб сўзларини айтдилар. Сўнг уй-музейнинг янги экспозицияси ва мемориал қисми билан танишиб, бир пиёла чой атрофида ойбекхонлик қилдилар.

«Бертелс домла катта олим бўлишларига қарамай, моҳир нотиқ эмас эдилар, — деб эслади академик Азиз Қаюмов. - Шунинг учун ҳам бир куни катта аудиторияни тўлдириб ўтирган талабалар домланинг лекциясини қизиқиш билан тингламадилар. Шунда домла ён тарафга ўгирилди-да, устоз Ойбекка қараб гўзал бир шеърни ўқиди. Ойбек бу шеърдан шундай таъсирланиб, ўз ҳайратини баланд пардада ифодаладики, Бертелс домла бундан рағбатланиб, бу шеърни чуқур таҳлил этиб кетди. Шу куни Ойбек туфайли Бертелс домланинг лекцияси ажиб бир таассурот қолдирди».

Гурунгни академиклар Матёқуб Қўшжонов ва Бахтиёр Назаров, профессорлар Шуҳрат Аббосов, Отаназар Матёқубов, Наим Каримов ва бошқа олимлар давом эттирдилар. Ойбек ҳақида гўзал хотираларни тинглашнинг ўзи унинг ўлмас асарларидек завқбахш ва шавқбахш.

## МУҚИМИЙ ВА ЧАРХИЙ АНЖУМАНИ

Қўқон аҳли 9 январ куни Муқимийнинг 150 йиллик, Чархийнинг 100 йиллик тўйини нишонлади.

Эрта тонгда юзлаб шеърият ихлосмандлари Муқимий дафн этилган — Шайхон қабристонини зиёрат қилишди. Сўнг Миён ҳазрат Соҳибзода мадрасасига Муқимий таҳсил олган, яшаб-ижод қилган ҳужрага боришди. Бу ердаги адабиёт музейини томоша қилдилар.

Шаҳардаги Исфарагузар маҳалласининг Низомий кўчасида Чархий яшаб ўтган уйда зиёрат давом этди. Зиёратчилар Чархийнинг ўғиллари, қизлари, набиралари билан ҳамсуҳбат бўлдилар.

Шаҳардаги Ҳамза номли театрда Муҳаммад Аминхўжа Муқимий ва Асқарали Чархий юбилейларига бағишланган адабий кеча бўлди.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раисининг биринчи ўринбосари Йўлдош Сулаймон Қўқон адабий муҳити, Муқимий ва унинг замондошлари, Муқимийнинг бетакрор адабий мероси ҳақида гапирди.

Ўзбекистон халқ шоири Эркин Воҳидов Муқимий ва Чархий домлаларнинг устозлик мақомлари юксак эканини таъкидлади.

Адабиётшунос олим Иброҳим Ғафуров, Ўзбекистон халқ шоири Анвар Обиджон, шоирлар Икром Отамурод, Салим Ашур, адиблар – Ҳожиакбар Шайхов, Абдуқаюм Йўлдошев, ва бошқалар Муқимий ва Чархий ижодий меросининг аҳамияти ҳақида сўзладилар.

Адабий кечани қўқонлик шоирлар Ҳабибулло Саид Ғани ва Азимжон Азиз олиб бордилар.

## «АНТИҚА ТОМОША»ЛАР

*Куюнчак газетхонлардан хатлар*

Янги йил нимаси билан қизиқ? Албатта, арчаси билан-да. Биз ҳам фарзандларимизни хурсанд қилиш мақсадида таклифномаларни олиб, Тошкент давлат циркига йўл олдик. Ҳаво анчагина совуқ бўлишига қарамай, цирк атрофида ташкил этилган турли кўнгилочар томошалар атрофида болалар ғужғон ўйнашарди. Мана, фарзандларимиз орзиқиб кутган вақт етиб келиб, ичкарига йўл олдик. Албатта, цирк катта, болалар кўп. Шунинг учун жойларимизни топиб, ўтириб олиш анча қийин кечди. Хуллас, ҳамма ғала-ғовур ортда қолиб, цирк аренасида янги йил томошалари бошланди.

Афсуски, маза қилиб цирк кўрамиз, деб олдиндан хурсанд бўлган эканмиз. Чунки ҳақиқий томоша аренада эмас, цирк залида бошланди. Томошалар бошланганига ярим соат ўтган бўлса-да, залга кириб келаётган томошабинлар оқими тўхтамасди. Бу ҳам майли, жойини тополмаётган ота-оналару болалар ўртада туриб олиб, ўтирганларнинг томоша кўришига халақит бера бошладилар. Ана энди у ер-бу ердан «қочиб туринглар», «биз кўролмаяпмиз», «қанақа одамсизлар ўзи», деган бақир-чақирлар эшитила бошлади. Бунинг устига, «музқаймоқ оладиган борми?», «кимга шар, кимга ўйинчоқ», «ширинликлар олиб қолинглар», деб залда нарсаларини кўтариб юрган одамлар у ёқдан бу ёққа ўтиб томошага ҳалал берарди.

Ана шунақа маш-машалар билан томоша қандай тугаганини ҳам билмай қолибмиз. Болаларимиз нималар бўлганини тузук-қуруқ илғаб ололмадилар ҳам. Очиғи, болалар цирк томошаларини эмас, залдаги бебошликларни, тартибсизликларни, бақир-чақирларни кўрдилар, холос.

Албатта, цирк жамоаси болаларни хурсанд қилишни ўйлаб, анча-мунча жон куйдирган, кўрсатаётган томошалари ҳам ёмон эмас. Лекин юқорида айтганимиз, «антиқа томоша»лар бизга яхшигина масалликдан бемаза таом тайёрлаган ношуд ошпазнинг қилиғини эслатди. Бунинг устига томоша ташкилотчилари «алдагани бола яхши» қабилида иш тутиб, ўз мухлисларига беписанд муносабатда бўлганлари ғоят таажжубланарли ҳол бўлди.

**Г.ФАЙЗИЕВА**

